

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

537 Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг кишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 22 июлдаги 156-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида» 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек аёллар, болалар ва ўсмирлар ўртасида микронутриент етишмовчилигининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг кишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 22 июлдаги 156-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 7-сон, 39-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазيري**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 27 октябрь,
297-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 27 октябрдаги 297-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг қишлоқ
туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини
мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»
2010 йил 22 июлдаги 156-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «2010 — 2015» рақамлари «2010 — 2016» рақамлари билан алмаштирилсин.

2. 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «2010 — 2014» рақамлари «2010 — 2016» рақамлари билан алмаштирилсин.

3. 3-банднинг учинчи хатбошидаги «2011 — 2014» рақамлари «2011 — 2016» рақамлари билан алмаштирилсин.

4. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун олиб кириладиган, таркибида, шу жумладан, фоли кислотаси ҳам мавжуд бўлган 1-иловага киритилган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплекслари 2017 йил 1 январгача божхона тўловлари (божхона йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин».

5. Қарорга 1-илованинг номидаги «2010 — 2014» рақамлари «2010 — 2016» рақамлари билан алмаштирилсин.

6. Қарорга 2-илованинг 5-бандидаги «2010 — 2015» рақамлари «2010 — 2016» рақамлари билан алмаштирилсин.